

**“НАВРЎЗ ДЕХКОН БОЗОРИ” АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ  
БАЁНИ**

2022 йил 3 июн  
соат 11-00

Тошкент шаҳри

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нақтсиз.  
Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йули кучалари кесишмаси манзилда жойлашган “Наврўз деҳкон бозори” АЖ маъмурий биносида 2021 йил 3 июнь куни ўтказилди. Йиғилишда 7 050 065 овозга эга 5 та акциядор қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 98,60 % ни ташкил этади. Йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев - “Наврўз деҳкон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

М.И.Исламов - “Наврўз деҳкон бозори” АЖ директори .

Х.Ж.Олимов - “Наврўз деҳкон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров - “Наврўз деҳкон бозори” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 5 та акциядор. 7 050 065 овоз билан қатнашиб. Йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,60 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар сони 475 та. 7 150 000 овоз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК номидан ишончнома асоида Д.И.Ганиев қатнашмоқда.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,60 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек Д.И.Ганиев Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш санок комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга қўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришни бўйича қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эитиш;

2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари;

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш;

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;

7. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш;

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;

9. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

10. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;

11. Жамиятнинг ташиқлий тузилмасига ўзгартириши киритиши ва қайта тасдиқлаш;

12. Жамият уставига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;

13. Жамиятнинг "Умумий йиғилиш ҳақида"ги низомига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;

14. Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги низомига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;

15. Жамиятнинг "ишроия органи ҳақида"ги низомига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 5 минут, қолган масалаларга 3 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

**Мажлис раиси** кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўзни жамият директори М.С.Исламовга берди.

М.С.Исламов сўзга чиқиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

«Наврўз дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2021 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2021 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар киемининг қуйидаги жадвал бўйича амалга оширилди:

Шундан;

Даромадлар	режа	Амалда	фарқи
Жой хақи	3 347 000	3 512 038	+165 038
Хизмат хақи	647 300	6492	+ 2 032
Автотухташ даромади	560 800	643 494	+ 82 694
Ижара хақи	2 620 000	2 831 116	+ 211 116
Инфратузилма	241 500	236 080	- 5 420
Бошқа даромадлар	313 500	1 182 520	+ 869 020
<b>Жами даромадлар</b>	<b>7 730 100</b>	<b>9 154 580</b>	<b>+ 1 424 480</b>

Жамиятнинг 2021 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 1 461 669 минг сўм, амалда 1 105 026 минг сўм этиб бажарилди.

2021 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

		режа	амалда	фарқи
1.	Иш хақи	2 055 000	2 464 237	+ 409 237
2.	12% ижтимоий солиқ	246 600	295 657	+ 49 057
3.	Сув ва канализация	67 000	71 436	+ 4 436
4.	Электр қуввати	502 517	645 458	+ 142 941
5.	Асосий восита эскириши	836 400	834 300	0
6.	Муниципал мелция ходим	99 370	115 932	- 2 100
7.	Махсустране	156 000	180 171	+ 24 171
8.	Телефон телеграф	6 000	11 642	+ 5 642



9.	Банк фоиизи хизмати	10 850	4 962	- 5 888
10.	Бошқа харажатлар	192 000	580 002	+ 388 002
11.	<b>Жами харажатлар</b>	4 894 740	6 370 666	+ 1 475 926

Сабаб:

Иш ҳақи -409 237 (иш ҳақини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши ҳисобига)

12% тўловлар -49 057 (иш ҳақи ошиши ҳисобига)

Электр қуввати 142 941 (худудда қурилиш ишлари олиб боргани ва йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)

Жамиятнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарздорлик 3 381 713,0 минг сўми ташкил этган, муддати ўтганлари йўқ.

Жамиятнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарздорлик 1 216 926,0 минг сўми ташкил этган, муддати утганлари йўқ.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси Х.Олимов сўзга чиқди:

- Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан «AUDIT–HISOB MARKAZI» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича, қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.Шоназаров тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшитирди.

Тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида «Наврўз дехқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққонийлигини ақс эттиришини тўғрисида тафтиш комиссияси хулоса берганлиги тўғрисидаги хулосани ўқиб эшитирди.

Тафтиш хайъати томонидан амалга оширилган тафтишда ташқи аудитор “AUDIT – HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилотининг хулосасига асосланиб, тафтиш хайъати жамият йиллик бухгалтерлик ҳисоботида қайд этилган маълумотлар тўғрисидаги тасдиқлаш учун етарли асосларга эга.

Тафтишга асосан 2021 йил якуни бўйича “Наврўз дехқон бозори” АЖда афилланган шахслар билан, шунингдек бошқа шахслар билан йирик (яни мол мулк олиш ёки сотиш билан боғлиқ) битимлар тузилмаган.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўз берди.

Жамиятни 2021 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

*(«Наврўз дехқон бозори» АЖнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси нуسخаси илова қилинади)*

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан, жамият бош бухгалтери Х.Олимов сўзга чиқиб, жамиятни 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

**2021 йилда «Навруз дехкон бозори» АЖ 1 105 026 473,98 сум соф фойда олган, соф фойда тақсимлаш таклифи:**

- Соф фойданинг 5% қисми захира жамғармасига - 55 251 323,7 сўм;
- жамиятдаги давлат улушини ишончли бошқариш бўйича 2019 йил 27 августда тузилган шартномага мувофиқ ишончли бошқарув “Gradient” МЧЖга 210,0 млн сўм;
- акциядорларга дивиденд тўловига 552.600.000 сўм;
- 209 775 150,29 сум жамият ходимларини моддий рағбатлантиришга;
- 77 400 000 сум жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, жорий таъмир ва бошқалар учун

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори М.И.Исламов сўзга чиқиб, жамиятни 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»си билан таништирди сўнг жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўзга чиқиб жамиятнинг 2022 йил “Даромадлар ва харажатлар смета”си режаси билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **сегинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, кейинги масала жамият директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш юзасидан фикр билдириб, ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан мажлис раиси, жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатов кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишларини, жамият Кузатов кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатов кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.Шонозаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “AUDIT – HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, ҳулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда + 334 “қоникарли” баҳо берилганлиги, фоиз шкала 28 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича, жорий йилда фоиз шкаласини янада кўтариш чораларини кўрилиши жамият ижроия органи томонидан таъминланиши шарт билан қабул қилинишини таклиф этиб, акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шонозаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича биржада танлов эълон қилинганлигини, “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ AUD аудиторлик ташкилоти хизмат ҳақи 14 999 000







11	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул килинди
12	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул килинди
13	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул килинди
14	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул килинди
15	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул килинди

### Мажлис кун тартибидаги масалалар атрофлича урганилиб

#### Қарор қабул қилади.

1. «Наврўз дехкон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йук).

2. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «AUDIT – HISOB MARKAZI» МЧЖнинг аудиторлик ижобий фикр хулосаси инobatга олинсин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

5. 2021 йилда «Наврўз дехкон бозори» АЖ 1 105 026 473,98 сумлик соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

- 5% захирага - 55 251 323,7 сум; (қолдик - 1 049 775 150,29 сум;)

- 209 775 150,29 сум жамият ходимларини моддий рағбатлантиришга; (Қолдик - 840 000 000 сум;)

- давлат улушини ишончли бошқарувчиси Градиенд МЧЖга – 210 000 000 сум; (қолдик- 630 000 000 сум;)

- 77 400 000\_сум жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, жорий таъмир ва бошқалар учун

- дивиденд учун ажратма 552 600 000 сум ёки 7 150 000 дона акциянинг ҳар бирига 77,28 сумдан дивиденд эълон қилинсин, дивидендларни қонунда белгиланган тартибда 60 кун ичида берилиши таъминлансин (шу жумладан Тошкент шаҳар ҳокимлигига 96,23% - 531 766 980,0 сум)

(ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йук).

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият бошқарувига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йук).

7. Жамият директорининг меҳнат шартномаси муддатини узайтириш (ёқлаган 1 375 та овоз – 0,019 %, қарши – 7 048 690 та овоз - 99 ,98% бетараф– йук) қабул қилинмади.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин: М.М.Абдурахмонов, 7 050 065 - та овоз, М.А.Ирматов- 7 050 065 - та овоз, А.А.Раззаков- 7 050 065 - та овоз, Ж.М.Тошхужаев- 7 050 065 - та овоз, Т.К.Камолов- 7 050 065 - та овоз.

9. Жамият “AUDIT – HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -334 “қоникарли” баҳо, фоиз шкала 28 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган кўрсаткич натижаларини янада яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

10. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ AUD ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 14 999 000 сўм миқдорида белгилансин. Ушбу аудитор томонидан корпоратив бошқарув текшируви ҳам шу суммани ичида ўтказиб берилиши келишилганлиги маълум учун қабул қилинсин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ўзгаришсиз қолдирилсин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

12. Жамиятнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда устав янги таҳрирда тасдиқлансин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

13. Жамиятнинг “Умумий йиғилиш ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

(ёклаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

15. Жамиятнинг “Ижроия органи ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

(ёклаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

16. Жамият бошқаруви мазкур қарор ижросини қонунда белгиланган тартиб ва вақтларда таъминласин.


Баённома имзоланган сана: « 10 » июн 2022 йил

Мажлис раиси



Д.И.Ганиев

Мажлис котиби



Д.Рахматова